

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Тожалиев Инновацион ривожланиш – жамиятнинг янги тараққиёт босқичида муҳим омил	66
<u>АДАБИЁТШУНОСЛИК</u>	
Н.Каримов Исҳоқхон Иброт: янги маълумотлар.....	69
Ҳ. Худоймуродова “Рўзи Чориевнинг сўнги васияти”да биографик метод.....	74
О.Абобакирова Ўзбек болалар ҳикоячилигининг услубий хусусиятлари	77
<u>ТИЛШУНОСЛИК</u>	
М.Ҳакимов, М.Ғозиева Овоз тембрининг функционал хусусиятлари.....	81
Р.Шукуров, Г.Жўрабоева Исҳоқхон Ибротнинг «Фарғона тарихи» асарида водий топонимлари таҳлили	87
О.Бегимов Қўшма таркибли оронимларнинг ясалишига доир	92
<u>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</u>	
Л.Ахмедова Инновацион таълим технологиялари орқали олийгоҳ талабаларини инглиз тилида сўзлашга ўргатиш	96
Ж.Жалолов Чет тили ўқитиш мазмунини тайёрлаш ва ўргатиш методикаси (методологик нуқтаи назар).....	101
<u>ИЛМИЙ АХБОРОТ</u>	
А. Ўринов, Г.Собиржонова Функция ҳосиласининг тенгламалар ечишга татбиқи.....	105
Д.Орипов Қаср тартибли оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал шартли чегаравий масала ҳақида	108
Н.Тўхтасинова Псевдоқавариқ соҳалар ва уларнинг хоссалари	111
Ф.Исматуллаев, С.Ахмедова Ўзбекистон – Италия ҳамкорлигининг айрим масалалари	113
М.Усманов Фуқаролик жамиятининг маданий ва гуманитар жабҳалари.....	115
М. Раджабова Фарғона вилояти шаҳарларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи (1917 – 1924 йиллар)	118
Б.Бахриддинова Билвосита ва бевосита таржимада реалиялар.....	121
З.Жўраева, Н.Ўсарова, Н.Дўлтаева Салиҳ Бишакчи томонидан Абдурауф Фитрат асарларининг қиёсий таҳлили	124
И.Ҳожалиев, И.Аҳмаджонов Термин ва талқин муаммосига доир	127
Б.Қурбонова, З.Каримова Ўзбек ва қирғиз тиллари лексикасида макон семали лексемаларнинг ифодаланиши.....	130
Г.Икромова Шароф Бошбеков драмаларининг айрим фонетик хусусиятлари	132
<u>ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ</u>	
Ўзбек тилшунослигининг фозил сиймоси	135
<u>БИБЛИОГРАФИЯ</u>	
Библиография	137

УДК: 41+534.322

ОВОЗ ТЕМБРИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Ҳакимов, М.Ғозиева

Аннотация

Мақолада интонация компонентларидан бири бўлган овоз тембри ҳақида маълумот берилади. Овоз тембрининг функционал хусусиятлари ёритилади. Овоз тембрининг ахборот бериш функциясига алоҳида аҳамият қаратилади.

Аннотация

В статье представлены сведения о тембре голоса как об одном из компонентов интонации. Освещаются функциональные свойства тембра голоса. Особое внимание уделяется информационной функции тембра голоса.

Annotation

The information on timbre as one of the components of the voice is given in the article. The functional features of the timbre are enlightened. The special attention is given to the information function of the timbre.

Таянч сўз ва иборалар: интонация компоненти, овоз тембри, акустик белги.

Ключевые слова и выражения: компонент интонации, тембр голоса, акустический признак.

Key words and expressions: component intonation, timbre, acoustic feature.

Овоз тембри просодик воситалар сирасига киради. У интонациянинг компонентлари қаторида нутқий мулоқот жараёнида ҳосил бўлади. Овоз тембри ҳақида таржима луғатларда “тембр (ҳар бир товушнинг ўзига хос бўлган сифати); приятный тембр голоса – ёқимли овоз тембри; мягкий тембр инструмента – чолғу асбобининг майин оҳанги” [1, 859] каби маънолар билан изоҳланади. Овоз тембри интонациянинг элементи сифатида нутқий жараёнда ҳосил бўлади, нутқий мулоқотда сўзлашувчиларнинг ҳар бирига хос дифференциал бўёқни таъминлаш учун хизмат қилади.

Интонация компонентларидан бири бўлган тембр ҳақида олимларнинг қарашлари икки жиҳати билан ажралиб туради. Биринчи қараш тарафдорлари тембрни просодик элементлар қаторига киритмайдилар. Хусусан, “... интонациянинг уч просодик компонентини ажратиш керак бўлади. Булар темп, овоз ва тон баландлигидан иборат бўлади. Бу парадигматик қаторга тембрни киритиш ва тадқиқ этиш учун етарли илмий асос мавжуд эмас. Тембр масаласи материал шакли ва лингвистик функцияси олимлар томонидан тадқиқ этилмаган” [2,313]. Иккинчи қараш тарафдорлари эса тембр просодик элементлар парадигмасига киришини таъкидлайдилар. Бизнингча ҳам тембр интонациянинг структур бирлиги сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Нутқда овоз тембрининг юзага келиши қуйидаги тартиб асосида амалга оширилади. Ҳаво оқимининг тебраниши ҳамда нутқ органларининг ҳаракати натижасида товуш шаклланади, товушнинг тембри эса тебраниш жараёнида алоҳида овоз ҳосил

қилиш билан аниқланади. Аниқроқ айтиладиган бўлса, товуш тембри интонациянинг компонентларидан бири ҳисобланади. Товуш тембри ҳам асосий акустик белгилардан биридир. Физика фанига оид терминологик луғатларда товуш тембрига қуйидагича таъриф берилади: “...тембрига кўра биз скрипканинг товушини роялникидан, гитаранинг товушини флейтаникидан, дуторнинг товушини рубобникидан осонгина ажратамиз, таниш кишиларимизнинг овозларини биламиз” [3].

Шунга мувофиқ товуш тембри ҳар бир индивиднинг нутқида ўзига хос белгиси билан намоён бўлади. Яъни тембр инсон нутқ аппаратининг индивидуал тузилиши, яъни резонатор билан боғлиқ ҳодисадир. Дунё тилларида тембр тушунчаси ҳар бир индивидга нисбатан ўзига хос фарқланишга эга. Бу акустик белги дунёдаги мавжуд одамларнинг бармоқ излари каби бир-бирига сира ўхшамайди. Бу лингвистик тушунчалар системасидагина умумий маънода тан олинган акустик белги сифатида эътироф этилади.

Просодик компонентлар ҳам бошқа лингвистик бирликлар сингари инсон хотирасида маълум парадигматик структуралар билан ассоциацияланади. Суперсегментал бирлик компонентлари инсон тафаккурида шаклланади ва лингвистик бирликларнинг семантик ҳамда грамматик структурасини ўзаро фарқлаш учун хизмат қилади. Хусусан, интонация ва унинг компонентлари нутқда сегментал бирликлар талаффузи орқали ассоциацияланишини кузатиш мумкин. Сўзловчи лисоний бирликлар орқали ахборот узатар экан, интонация ҳам

М.Ҳакимов – ФарДУ, филология фанлари доктори,


М.Ғозиева – ФарДУ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

Ўзининг коммуникатив функцияси билан ахборотлар мазмунини бойитиш учун хизмат қилади. Бу жиҳатдан нутқда овоз тембрининг ўзгариши, баланд ёки пастлиги ахборот мазмунига ўз таъсирини кўрсатади. Товуш тембри семиологик характерга эга бўлиб, усоциал маъноларни ифода этади ҳамда уларни ўзаро дифференциациялайди. Бу акустик белги лингвистик тушунчалар таркибига овознинг социал хусусиятлари сифатида киритилади. Акустика соҳасидаги илмий манбаларда “Инсон товушнинг тембрига қараб товуш манбаларини бир-биридан ажрата олади. Масалан, товуш тембрига қараб ким гапирётганини, ким куйлаётганини ёки қандай чолғу асбобида куй чалинаётганини аниқлаш мумкин” [4,374] лиги илмий асослаб берилган. Овознинг лингвистик

функцияси шундаки, талаффуз қилинган товуш тембри перцептив белгилар орқали инсон тафаккурида идрок қилиниб, биринчидан, сўзловчининг овози унинг кимлиги ҳақида ахборот беради. Иккинчидан, овоз ҳатто сўзлашувчиларнинг ёшини ҳам кўрсатади. Шунинг учун ҳам тилда тебраниш давомида тон ҳосил қилиш билан аниқланган товуш тембри аёл-эркак (жинсга хос акустик белги), гўдак, бола, ўсмир, катталар товуш тембрига ўзаро дифференциацияланувчи акустик параметрларга эга бўлган ахборотларни ифода эта олади. Масалан, куйидаги расмларда аёл кишининг *Вой, овқат емасдан-а?* ифодаси билан эркакнинг *Ҳе, кетаман дегандан кейин кетади-де!* ифодаси ўртасида овоз тембрининг фарқи берилган (1-расм)


Назокат ва Ўткирбек нутқи

1-расм




Назокат нутқи

2-расм



Ўткирбек нутқи

3-расм





Экспериментал фонетик кузатишларнинг аёл ва эркак нутқида хос энг муҳим хулосаларидан бири шундаки, аёллар нутқида урғунинг интенсив ҳаракати асосий овоз тонининг ўзгариш частота ҳаракатига нисбатан паст бўлади. Аксинча, эркаклар нутқида урғунинг интенсив ҳаракати асосий овоз тонининг частота ҳаракатига нисбатан юқорилиги кузатилади. Демак, аёл ва эркаклар нутқида овоз тембрининг фарқли томони ҳам

овоз тони частотасининг ўзгаришида ва урғунинг интенсив ҳаракати юқори ёки пастлигида кўринади(2-3-расм).

Назокат ва Ўткир бек нутқида хос ифодаларда нутқнинг мелодик ҳаракати асосий овоз тонининг ўзгаришидаги диаграммаларда ўз ифодасини топган. 1-диаграммада Назокат, 2-диаграммада Ўткирбек нутқи берилган.

1-диаграмма.

2-диаграмма.



Диаграммаларда эркак ва аёл нутқида асосий овоз тонининг ўзгаришидаги мелодик ҳаракати кўрсатилган. Ҳар икки жинсга хос қиёсий кузатишлар асосий овоз тони ўзгаришидаги ҳаракат тасвирида жиддий фарқланишни кўрсатади. Бу фарқланиш эса овоз тембри таъсирида юз беради. Бунда аёл нутқининг овоз тембрида эркак нутқида

нисбатан нутқнинг мелодик частотаси асосий овоз тонининг ўзгаришига нисбатан 630 герцни ташкил қилган. Эркаклар нутқида эса бу акустик ҳаракатнинг параметри 312 герцдан иборатдир.

Семиологик асосга кўра товуш тембрининг жинс, ёш каби социал белгилари киши тасавурида идрок қилиниб,

фарқлангани учун лисоний акустик парадигмалар таркибига киритилади. Нутқда баъзан бу акустик белгилар ҳис-ҳаяжон ифодаловчи акустик белгилар сифатида ҳам кўринади. Сўзловчининг эмоционал ҳолатига боғлиқ равишда овоз тембрида турли ифода оттенкалари намоён бўлади. Бу оттенкалар қувноқ ва ғамгин, дағал ва кўпол, ёқимли ва мулойим, самимийлик мазмунидаги бўёқлардан иборат бўлади. “Ифода эмоционаллик даражаси нутқ вазияти ва контекстга боғлиқ бўлади, шунингдек, сўзловчининг эмоционал ҳолати, унинг психологик кайфияти, экстралингвистик факторларга ҳам боғлиқ бўлади. У ёки бу ифодани турли интонацион оттенка билан талаффуз қилиш мумкин. Масалан, Мен сизни яхши биламан! Интонация ижобий ва хотиржамлик маъносини, киноя ёки пичинг интонацияси салбий маъно ёки оттенканинг эътироз маъносини ифода этади. Бундай ифодаларда интонацион просодик воситалар қаторида тембр муҳим роль ўйнайди” [5,117].

Интонацион тембр эса, асосан, гапнинг пропозицион структурасига тегишли бўлиб, уни турли-туман оттенка ва бўёқлар билан таъминлайди. Бу масалалар рус тилшунослари Л.Р.Зиндер, Н.В. Черемисина қарашларида ҳам ўз ифодасини топади. “Нутқда турли эмоционал-экспрессив оттенкаларни ифодалайдиган, кўшимча лафзий бўёқ деб номланувчи ҳодиса интонацион тембрдир. *Нафрат*, *хурсанд*, *қўрқув овоз билан гапирди* айнан тембр бўёғи сифатида белгиланиши мумкин” [6,207].

Интонациянинг асосий компонентларидан бири тембр ҳар бир индивиддаги ўзига хос хусусият сифатида мавжуд эканлиги юқорида таъкидлаб ўтилди.

Овоз тембри нутққа қўшимча бўёқ ва оттенка бериши тилшунослар томонидан кўп таъкидланади. Шахсни кўз билан кўрмасдан ҳам унинг овози орқали кимлигини, ёшини, жинсини, социал мавқеини, ҳолатини, руҳий ҳолатини билиш мумкин. Овоз тембри нутқ вазиятига кўра баланд ёки паст шакл билан намоён бўлади.

Масалан,
Овозим баландлаб кетди шекилли, ичкаридан башанг кийинган йигит чиқди.


- Нима гап, акахон?
...Йигит гапимни диққат билан тинглади. Кейин *овозини пастлатиб сўради:*
- Қайси аптекадан олдингиз, акахон?
...Тўғриси айтсам йигитчада *инсоф бор экан.*

- Одамни қийнаманг, ака! – деди ерга қараб. – Нима қилайлик, бизниям «точкаларимиз» бор. Харажатларимиз бор. Акахонларимиз бор... (Ў.Ҳошимов, *Дафтар хошиясидаги битиклар*).

Интонациянинг моделлари нутқий жараёнда воқе бўлувчи ифодалар орқали юзага чиқади. Нутқ структурасида сўзлашувчилар реал интонациялар кўмагида ўзаро бир-бирларини англайдилар. Нутқ орқали ифодаланаётган пропозицияларда кўрқув, ҳадик, ҳаяжон, жаҳл, таҳдид, қувонч каби нутқий актлар интонациянинг маҳсули сифатида эътироф этилади ва булар овоз тембрининг натижаси сифатида намоён бўлади.

Мен сиз билан биринчи марта гаплашиб турибман. Биринчи суҳбатдаёқ бу қадар осмондан келиш, бу қадар калондимоғ, бу қадар дағал бўлиш одобдан эмас, ахир! жумласининг визуаллашган акустик ифодаси(4-расм).

4-расм




ТИЛШУНОСЛИК

4-расмда таҳлил этилган жумла тасвири просодик компонентлар ичида овоз тембри муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Бунда интенсив ҳаракат тасвирида овоз кучи 84.95 дБ.ни ташкил этганини кўриш мумкин. Одатда, кузатишлар натижасида олинган хулосаларга асосан алоқа-аралашув жараёнидаги меъёрий сўзлашув нутқининг интенсивлиги 60-70 дБ.

оралиғини ташкил қилиши керак. Юқоридаги рақамлар интенсив ҳаракатнинг акустик параметри меъёрдан ортиқлигини, бунда унга овоз тембри таъсир кўрсатганлигини билдиради. Бу ҳолни қуйида берилган экспериментал-фонетик таҳлил учун олинган нутқ парчасининг интенсив ҳаракат диаграммасида ҳам кўриш мумкин (2-3-диаграммалар).


3-диаграмма



Юқоридаги нутқ парчаси диаграммасида овоз тембрига хос ифодага нисбатан “дағал” сўзини қўшиб айтилиш ҳолати берилган. Бунда Ўткирбекнинг Муроджонга нисбатан дағал нутқ орқали мурожаати акс этган. Овоз тембри структурасида овоз компонентининг юзага келиши интонацион бирликларнинг таъсири орқали амалга оширилади. Овоз тембри, дастлаб, формантлар орқали, шовқиннинг иштироки ва оҳангнинг баланд-пастлиги, шунингдек, нутқ парчасида урғу компоненти ҳисобланган интенсивлик асоси бўлган овоз кучи орқали ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам нутқнинг бундай оттенкалари интонациянинг компоненти ҳисобланган овоз тембри орқали

ифодаланиб, сўзлашувчиларнинг кайфиятини ифодаловчи воситалар сирасига киради. Нутқдаги бундай бўёқ ва оттенкалар соф лисоний бирликлар воситасида эмас, балки нутқнинг овоз тембри “...асосий тон ва қўшимча тонлар ҳамда шовқиннинг қўшилишидан ҳосил бўлиши” [8,65] орқали юзага чиқади. Овоз тембрида асосий ва қўшимча тонлар, ундош товушлардаги шовқин ва формантлардаги овозлар биргаликда фонацион воситаларни ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам профессор А.Нурмоновнинг Аҳмад сўзининг 16 хил интонация [8,5] си ҳақидаги таъкидида нутқнинг ранг-баранглигини таъминловчи овоз тембри муҳим ўрин тутди.

4-диаграмма



Нутқий мулоқотда овоз тембри ҳаво оқимининг тебраниши ҳамда нутқ органларининг ҳаракати натижасида товуш билан бирга юзага келади. Товуш тембри интонациянинг компонентларидан бири ҳисобланиб, мелодикани шакллантиришда асосий роль ўйнайди. Товуш тембри акустик белги сифатида сўзлашувчиларнинг

овозларини бир-биридан фарқлаш учун ўзига хос бўёғи билан хизмат қилади. Овоз тембри сўзлашувчиларнинг нутқи сингари чолғу асбобларида ҳам бир-биридан фарқланади. Овоз тембрининг бу хусусиятлари, айниқса, таниш кишилар нутқида овозларни таниб олиш функциясини бажаради.

Адабиётлар:

1. Русско-узбекский словарь. – М.: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1954.
2. Синев А.Д. Просодия как суперсегментное фонологическое явление в контексте современных лингвистических исследований // Вестник Челябинского университета. 2010. № 17 (198). Филология. Искусствоведение. Вып. 44.
3. Ёш физик энциклопедик лугати. – Т.: Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакцияси, 1989.
4. Исмоилов М., Юнусов М. Элементар физика курси. – Т.: Ўқитувчи, 1990.
5. Базарбаева З.М. Исследование интонации в прагмалингвистическом аспекте // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. № 3, 2015.
6. Зиндер Л.Р. Общая фонетика. – Л., 1960., Черемисина Н.В. Русская интонация: поэзия, проза, разговорная речь. – М., Русский Язык, 1982.
7. Улуқов Н. Тилшунослик назарияси. – Т.: Баркамол файз медиа, 2016.
8. Нурмонов А. Ўзбек тили паралингвистик воситалари ҳақида. – Андижон. 1980.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)